

**Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига
барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сұгурта қилиш бўйича E-Polishni
(электрон полисни) онлайн расмийлаштириш шартлари юзасидан
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу оммавий оферта (кейинги ўринларда - оферта) «EUROASIA INSURANCE» АЖ ҚҚ (кейинги ўринларда - сұгурталовчи) билан сұгурта қилдирувчи ўртасида Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сұгурта қилиш (кейинги ўринларда – сұгурта қилдирувчи) бўйича E-Polishni (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш (шартнома тузиш ва бекор қилиш) тартиблари ва сұгурталаш шартларини белгилайди.

Мазкур оферта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сұгурта қилиш” тұғрисидаги 532-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган.

1. Умумий шартлар ва тушунчалар

1.1. Ушбу офертада күйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

E-Polis - Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сұгурта қилиш бўйича электрон шаклда тузилган сұгурта шартномаси бўлиб, Сұгурта қилдирувчига сұгурта мукофотини Сұгурталовчига тўлиқ тўлаганидан сўнг бериладиган ва сұгурта шартномаси тузилганигини, ҳамда Сұгурта шартномаси шартларига мувофик, Сұгурталовчининг сұгурта товонини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини тасдиқловчи хужжат.

Низом - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарори билан тасдиқланган “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сұгурта қилиш” Низоми;

Сұгурта объекти - Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарори талабларидан келиб чиқсан ҳолда бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда сұгурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодалайдиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг хаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказганилиги учун Сұгурта қилдирувчининг жавобгарлиги сұгурта қилиш объектлари ҳисобланади.

Сұгурта қилдирувчи – Сұгурта шартномасини тузган, сұгурта мукофотини тўлаётган ва Сұгурталовчи билан аниқ сұгурта муносабатларига кираётган, сұгурта қилинаётган мулкни сакланишидан манфаатдор шахс.

Учинчи шахс – Сұгурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатлари мавжуд бўлмаган, ва қурилиш пудрати шартномаси билан кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вақтида унинг хаёти, соғлиғи ва мулкига зарар етказилиши мумкин жисмоний ёки юридик шахс.

Учинчи шахслар қаторига Сұгурта қилдирувчи, унинг ходимлари, ҳамда ўз шартномавий мажбуриятларини амалга оширишда Сұгурта қилдирувчи номидан иш кўраётган жисмоний ва юридик шахслар киритилмайди.

Мулк – сұгурта Шартномасида белгиланган бино, иншоот, жиҳоз, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, материаллар ва қурилиш майдонида жойлашган қурилиш ва монтаж предмети ҳисобланган бошқа буюмлар;

Сұгурта қиймати – сұгурта манфаати билан боғлик мулкнинг сұгурта Шартномаси тузилаётган пайтдаги ҳақиқий қиймати.

Сұгурта пули – полисида кўрсатилган ва Сұгурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, Сұгурталовчи томонидан тўланадиган сұгурта товони пул маблағларининг микдори. Сұгурталовчининг жавобгарлиги сұгурта шартномасида кўрсатилган сұгурта пули билан чекланади. Қурилаётган обьект тўлиқ қийматининг 80 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми ёки илгари

бажарилган ишлар ҳажми, шу жумладан материаллар қиймати ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилаётган йилда барпо этилаётган объект қийматининг бир қисми томонларнинг келишувига кўра сугурта пули бўлиши мумкин.

Моддий зарар бўйича сугурта пули – курилиш ишлари (охирги ва тахминий, бунинг учун фойдаланиладиган материалларни ҳисобга олиб), келишилган курилиш баҳоси, Буюртмачи таъминлайдиган қурилиш материаллари ёки элементлари, қурилиш майдонидаги асбоб ускуналар ва қурилиш асбоб ускуналари, илова қилинган рўйхатга кўра қурилиш машиналари, тозалаш бўйича (сугурта пулининг 2 фоизидан ошмаган ҳолдаги) ҳаражатлар суммаси.

Учинчи шаҳслар олдидағи фуқаролик Жавобгарлиги – Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчининг ўзаро келишув асосида, сугурта пулининг 40 фоизигача миқдорда белгиланадиган сугурта миқдори.

Сугурта мукофоти – Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига мазкур Сугурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблағлари миқдори.

Сугурта товони – Сугурта ходисаси рўй берган тақдирда мазкур Сугурта шартномасига мувофиқ, Сугурта қилдирувчи/Наф олувчига сугурта пули доирасида тўланадиган пул маблағларининг миқдори.

Сугурта ҳодисаси – Сугурта шартномасида назарда тутилган, хужжатлар билан тасдиқланган ва сугурта даври ва худудида ҳақиқатан рўй бериши оқибатида Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ҳодиса ҳисобланниб, таваккалчиликларнинг қуидидаги гурухлари қопланишини таъминлайди:

- ёнғин, чакмок, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- ўтирилик ва учинчи шаҳсларнинг қасдан содир этган харакатлари;
- сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши;
- бўрон, довул;
- зилзила, сел, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш;
- қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёллари;
- машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;
- нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгиз равишда кўллашдан кўрилган зарар;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шаҳслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

Сугурта даври – Сугурта полисининг амал қилиш даври. Сугурталовчининг сугурта ҳодисалари бўйича мажбуриятлари фақат Сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврида амал қиласди.

Сугурта ҳудуди – Сугурта шартномаси амал қиладиган ҳудуд. Мазкур Сугурта шартномаси бўйича сугурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулк жойлашган жой (манзили) ҳисобланади.

Тозалаш бўйича ҳаражатлар – сугурта ҳодисаси рўй берганидан сўнг, ҳудудни тиклаш ишларини амалга ошириш учун қулай шароитга келтириш билан боғлиқ ҳаражатлар.

Шартсиз франшиза – Сугурта қилдирувчининг кўрган зарарининг бир қисми бўлиб, Сугурта ҳодисаси натижасида Сугурталовчи зарарнинг шу қисми учун жавобгарлик олиб бормайди.

Сугурта жавобгарлигининг кучга кириш санаси – Мазкур шартнома учун ҳисобланган сугурта мукофоти компания ҳисоб рақамига тўлиқ тушган санада 24:00 дан бошланади.

2. Е-полисни расмийлаштириш

2.1. E-Polis ни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллый Агентликнинг, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, Сугурталовчи ахборот тизимлари (расмий веб сайти, мобил иловаси) орқали амалга оширилади.

2.2. E-Polisни расмийлаштириш учун мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар — пурратчилар электрон аризага қуидидаги маълумотларни киритади:

- сугурталанувчининг СТИР маълумоти;
- қурилаётган объектнинг тўлиқ қиймати (войиҳа смета бўйича);
- қурилаётган обектнинг жойлашув манзили;
- қурилаётган обектнинг тўлиқ номи;

- курилиш пудрати шартномасининг муддати.

2.3. E-Polishni амал қилиш муддати курилиш пудрати шартномасининг муддатига мувофиқ белгиланади. Объектни фойдаланишга топширип муддати узайтирилган тақдирда, полис томонларнинг қўшимча келишувига кўра белгиланадиган қўшимча сугурта тўлови тўланиши шарти билан амал қилишда давом этади.

2.4. E-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарномани юбориш шакли (телефон рақам ёки электрон почта манзили ёки сугурталовчи веб-сайтида (мобил иловаси орқали) очилган шахсий кабинети орқали).

Бунда тегишли маълумотлар ягона ахборот тизимида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тўлдирилади.

2.5. Электрон ариза тўлдирилаётган вақтда Ягона ахборот тизими қисман ёки тўлиқ ишламаганда, яъни давлат ахборот базалари қисман ишламаган ва/ёки улар билан алоқа узилган тақдирда, сугурта қилдирувчи аризадаги қолган маълумотларни қўлда киритади ёки хужжатларни илова қилиши мумкин.

2.6. Электрон ариза тўлиқ тўлдирилгандан сўнг сугурта қилдирувчи томонидан юбориш тугмаси босилади.

2.7. Сугурталовчининг маъсул ходимлари томонидан юборилган электрон аризидаги маълумотлар бир иш куни ичida тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилиб, сугурта қилдирувчига сугурта мукофотини тўлаши мумкинлиги ёки маълумотларни қайта тўғриланиши тўғрисида хабарнома юборилади. Агар сугурта қилдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат давомида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки тўғриланмаса, унда сугурта ташкилоти Е-полисни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида сугурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки SMS-хабар орқали сугурта ташкилоти сугурта қилдирувчини хабардор килади.

2.8. Сугура мукофоти сугурталовчи томонидан ишлаб чиқилган тариф ставкаларидан ва шартномада белгиланган сугурта суммаси миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Сугурта тарифи билан электрон аризани тўлдириш жараённида танишиш мумкин.

2.9. Сугурта қилдирувчи сугурта мукофотини тўлаши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг 72 соат мобайнида сугурта мукофотини электрон тўлов тизимлари орқали ва пул ўтказиш йўли билан тўлаши лозим.

2.10. Сугурта мукофоти Е-полисда назарда тутилган тўловдан камроқ миқдорда тўланган бўлса, сугурта ташкилоти сугурта мукофотининг тўланмаган кисми, сугурта қилдирувчи томонидан 72 соат муддатда тўланиши зарурлиги тўғрисида дархол хабарнома юборади.

2.11. Сугурта мукофоти тўланганлиги факти ушбу Оферта Сугурта қилдирувчи томонидан акцепт қилинганлигини англатади.

2.12. Сугурталовчининг мажбуриятлари сугурта мукофоти сугурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврининг охирги санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди. Агар Е-полисда сугурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, мажбурий сугурта электрон шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган сугурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

2.13. Сугурта мукофоти тўлиқ тўлангандан кейин Е-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарнома сугурта қилдирувчи томонидан танланган шаклда юборилади ва у қуидагиларни ўз ичига олади:

- сугурта ташкилотининг номи, реквизитлари;
- сугурталанувчи - ташкилотлар сугурталанувчилар номи, реквизити;
- сугурта обекти номи;
- сугурта суммаси;
- сугурта мукофоти миқдори;
- Е-полиснинг амал қилиш муддати;
- Е-полиснинг ноёб рақами;
- Ягона ахборот тизимиға ҳавола.

2.14. Сугурта қилдирувчи Ягона ахборот тизимиға ҳавола орқали ўтиб, Е-полисни юклаб олиши мумкин.

3. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Сугурталовчининг ҳукуклари:

- сугурталанган қурилиш объектиниң ҳолатини, шароитини Сугурта шартномасини тузишда ва амал қилиш даврида ҳамда Сугурта ҳодисаси содир бўлганда текшириш;
- Сугурта қилдирувчи Сугурта шартномаси шартларини бажармаганда, Сугурта шартномасини бекор қилиш;
- мазкур шартнома ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда Сугурта товонини тўлашни рад этиш;
- сугурталанган қурилиш объектида содир бўлган ҳодиса юзасидан йўқотилиш ёки шикастланиш бўйича айборд шахслар аниқланган ҳолларда тўланган Сугурта товонини улардан ундириб олиш хақида даъво қилиш;
- Сугурта товони миқдорини аниқлаш учун Сугурта қилдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг далолатномаларини, эксперtlар хulosаларини тақдим этишини талаб қилиш;
- Сугурта қилдирувчининг тақдим этган ҳужжатларининг тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиш;
- Сугурта қилдирувчи олдидағи Сугурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганида, Сугурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;
- Сугурта сюрвейери ҳамда Сугурта ҳодисалари бўйича Аджастер хизматларидан хизматларидан фойдаланиш.

3.2. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

- Сугурта полисини мазкур Сугурта шартномасида белгиланган муддатда Сугурта қилдирувчига ёзиб бериш;
- Сугурталанган қурилиш объектида Сугурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани олгач, 3 (уч) кун ичida жойига чиқиб етказилган заарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;
- Сугурта ҳодисаси натижасида сугурталанган қурилиш объектидаги етказилган заар бўйича Сугурта товони миқдорини ҳисоблаб чиқиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

3.3. Сугурта қилдирувчининг ҳукуқи:

- мазкур Сугурта шартномасида келишилган шартлар асосида Сугурта полисини Сугурталовчидан олиш;
- мазкур Сугурта шартномасининг амал қилиш даврида шартномага доир саволларга Сугурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш;
- Сугурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу шартномада кўрсатилган тартибда Сугурта товонини олиш.

3.4. Сугурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

Сугурта қилдирувчи жавобгарликдан ташқари ўз ҳисобидан барча оқилона эҳтиёткорлик чораларини кўради ва шикастланишларни, заарларни бартараф этиш бўйича Сугурталовчи берган барча зарур тавсияларга риоя қилиши, шунингдек қурилиш қоида ва меъёрлари талабларига, асбоб ускуналар тайёрлаш тавсияларига амал қилиши;

Курилиш майдонида ўт ўчириш ва ёнғинга қарши куйидаги чораларга тегишли маҳсус шартлар бажарилишини назоратга олади:

- керакли миқдордаги ишчилар ёнғинга қарши асбоб ускуналардан фойдаланиш учун ўргатилган ва ёнғин бўлганда тезкор ҳаракатга тайёр туриши;
- тегишли ёнғинга қарши асбоб ускуналар ва керакли ўт ўчирувчи мосламалар доим иш ҳолатида туриши;
- обьектда иш бошланганда барча ёнғинга қарши кўрилган воситалар созланган ва фойдаланиш учун тайёр бўлиши;
- тезда ўт олувчан ва ёнувчан материаллар ёнида пайвандлаш ёки оловли ишлар ўтказишида битта ўқиган ишчи ёнғин билан кураш учун шай тургандагина йўл қўйиши;
- барча қурилиш конструкцияларини, материалларини ва буюмларини тегишли қоидалар ва меъёрлар талаби доирасида сақлаши;

- энг яқин ўт ўчириш бригадаси мазкур худуд билан таништириш ва ҳохлаган пайтда шу худудга эркин кириши учун рухсат бериши;

- қурилиш майдони ўралган ва унга киришни назорат қилиши;

3.4.1. Ҳодиса рўй берганда мазкур шартнома доирасида талабни асосламоқчи бўлганда Сугурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:

- Сугурталовчига хавф хусусияти ва эҳтимолдаги микдорини ёзма равища 7 календар кунида хабар қилиши;

- заарларни камайтиришга мавжуд барча чораларни кўриши;

- заарланган қисмни сақлаб кўйиш ва Сугурталовчининг вакилига ёки экспертга кўридан ўтказиш учун тақдим қилиши;

- Сугурталовчига рўй берган ҳодисага тааллуқли барча маълумот ва хужжатларни тақдим қилиши;

- қулф бузилиб амалга оширилган ўғирлик натижасида зарар кўрилганда содир бўлган воқеа ҳақида хукуқни муҳофаза килиш идораларига хабар бериши;

- мазкур Сугурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриши;

- белгиланган муддатларда Сугурта мукофотини тўлаши;

- Сугурта ҳодисаси содир бўлганда, Сугурталовчига белгиланган муддатда, ёзма равища хабарнома бериш ва Сугурта товонини аниқлаш учун зарур бўлган барча хужжатларни тақдим қилиши;

- Сугурта қилдирувчи мазкур мол-мулк бўйича бошқа сугурта ташкилотлари билан тузилган барча сугурта шартномалари тўғрисида сугурталовчини ёзма равища хабардор қилиши;

- Сугурта ҳодисаси рўй берганда зарар микдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Сугурталовчини таъминлаши;

- юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда Сугурталовчига 10 кун ичida ёзма равища хабарнома бериши;

- Сугурта ҳодисаси содир бўлганда таъмирлаш ва бошқа (сотиш, металломоломга бериш ва ҳоказоларни) ишларини Сугурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириши.

4. Сугурта ҳодисаларини қўриб чикиш тартиби ва сугурта тўлови ва (ёки) товони микдори

4.1. Моддий зарар бўйича Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўзаро қайд этиб ўтилган мулкларга ёки уларнинг қисмига сугурта муддати давомида Сугурта ҳодисаси натижасида кутилмагандан ва тўсатдан етказиладиган, тўланмайдиган ҳолатлар бўйича шартлашилмаган сабаблар натижасида шикастланган, мулкни таъмирлаш ва алмаштиришга зарурият келтириб чиқарадиган моддий зарарни ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қоплаб беради, бироқ жами ҳар бир сугурта ҳодисаси ва умумий сумма бўйича шартномада шартлашилган сугурта пулидан ошмаган микдорда қоплаб беради. Сугурталовчи сугурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш билан боғлиқ оқилона харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у сугурта пулининг 2.0 фоизидан ортиқ бўлмайди.

4.2. Жавобгарлик бўйича Мазкур шартнома доирасида зарар ёки шикастланиш қуйидаги тартибда қопланади:

а) сугурталанган мулкларнинг шикастланишидан аввалги ҳолатига келтириш учун бартараф этиш мумкин бўлган шикастланиш таъмирлаш харажатлари бўйича қопланади;

б) сугурталанган мулкларнинг шикастланиши оқибатида тўлик нобуд бўлиши, мазкур шартномани шартларини бажариш ва кўшимча шартларига риоя қилиш шарти билан мулкни ҳақиқий баҳоси билан бироқ кўрсатилган сугурта пули микдорида қоплаб берилади.

Сугурталовчи таъмирлаш ишлари қилинганлиги ёки шикастланган қисмини алмаштирилганлиги ҳақида хужжатлар ёки зарур ҳисоб-китоб хужжатлари тақдим қилингандан сўнг зарарни қоплаб беради.

Сугурта ҳодисаси рўй берганда таъмирлашга бериладиган барча шикастланишларни таъмирлаш ишларига кетган харажатлар сугурталанган мулкларни баҳосидан ошиб кетганда зарарни тугатиш “б” кичик бандидаги шартлар тартибида амалга оширилади.

Агар таъмирлаш охирги таъмирлашни охирги қисми ҳисобланиб, таъмирлаш ишлари бўйича жами ҳаражатлар ошиб кетмаса, Суғурталовчи тахминий таъмирлаш ишларига ҳаражатларни қоплаб бериши мумкин.

Мазкур шартнома доирасида бўлиши мумкин бўлган ўзгартиришларга, кўшимчаларга ёки янгиликларга алоқадор ҳаражатларга қоплама тўланмайди.

4.3.. Суғурталовчи жавобгарлик бўйича Суғурта қилдирувчига Суғурта пули чегарасида, яъни Суғурта қилдирувчи фуқаролик жавобгарлиги олиб борадиган суммада:

а) бахтсиз ҳодиса рўй бериши натижасида учинчи шахсларни танаси шикастланишига ёки касалланишига (ўлимига);

Соғликка етказилган зарар учун товоң қўйидаги миқдорларда тўланади:

| Тан жароҳати оғирлиги | Тўлов миқдори (Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш Миқдорига нисбатан) |
|---|--|
| Одам ўлими | 100 |
| Тан жароҳати (I гурӯҳ ногиронлиги) | 60 |
| Тан жароҳати (II гурӯҳ ногиронлиги) | 40 |
| Тан жароҳати (III гурӯҳ ногиронлиги) | 20 |
| Ногиронликка олиб келмаган жароҳат ва бошқа тан жароҳатлари | 10 |

б) суғурта даври мобайнида учинчи шахсларнинг мулкига бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарар ва шикастланишларга, агар бу бахтсиз ҳодиса моддий зарар бўйича суғурталанган курилиш ва монтаж ишлари олиб борилаётганда курилиш майдонининг ўзида ёки бевосита ёнгинасида рўй берса қоплаб берилади.

4.3. Суғурта ҳодисаси бошланганда Суғурта қилдирувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс, суғурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирасдан, кўрилиши мумкин бўлган заарларни камайтиришининг имкони бўлган барча чораларини кўриши ва 7 календарь кундан кечикмай суғурталовчини содир бўлган ҳодисадан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

4.4. Суғурта қилдирувчи, Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:-

- Суғурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома;
- Суғурта полиси;
- Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотларнинг хужжатлари;
- Суғурта ҳодисаси натижасида заарланган Мол-мулкнинг фотосуратлари;
- Суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган Суғурта ҳодисасига оид бошқа маълумотлар.

4.5. Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси олингандан ва суғурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча хужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Суғурта қилдирувчининг ва суғурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

4.6. Барча тарафлар маълумотномага имзо чекадилар ва имзо чекиши жараёнида ўз эътирозларини маълумотномада акс эттирадилар.

4.7. Тузилган маълумотномалар Суғурта ҳодисаси тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигини билдирумайди ва маълумотномалар асосида Суғурта товони тўланмайди.

4.8. Суғурталовчи тақдим этилган хужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли хужжатларни талаб қилиши мумкин.

4.9. Суғурта қилдирувчи ҳар қандай ҳолатда ўз маблағлари ҳисобидан Суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган барча хужжатларни (Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси ва ҳодиса тафсилотлари ҳақида маълумотнома) ишлаб чикиш, ҳарид қилиши ва Суғурталовчига тақдим этиши шарт.

4.10. Суѓурта қилдирувчи Суѓурта ҳодисаси содир бўлганда заарланган мол-мулкни таъмирлаш, сотиш, металломоломга топшириш ёки бировга бериш, ёқиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Суѓурталовчи билан келишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

4.11. Суѓурта товони ҳақиқий етказилган зарар миқдорида, агар Суѓурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Суѓурта пулидаги миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

4.12. Суѓурта пули объект баҳосидан кам қилиб белгиланганилиги учун Суѓурталовчи Суѓурта ҳодисаси юз берганда Суѓурта қилдирувчига у кўрган зарарни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 936-моддасига асосан Суѓурта пулининг объект баҳосига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплади.

4.13. Суѓурта товони далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичидаги тўлаб берилади.

4.14. Суѓурта товони мазкур Суѓурта шартномасига асосан ҳисоб ракамга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.15. Суѓурта ҳодисаси рўй берганда яна амал қилинаётган Суѓурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахсдан Суѓурта қилдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки қопланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Суѓурта товони тўлаб берилади.

5. Суѓурта пули ва суѓурта мукофоти

5.1. Курилаётган объект тўлиқ кийматининг 80 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми ёки илгари бажарилган ишлар ҳажми, шу жумладан материаллар киймати ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилаётган йилда барпо этилаётган объект кийматининг бир қисми томонларнинг келишувига кўра суѓурта пули бўлади.

Умумий суѓурта пули миқдори: E-Polis да кўрсатилади.

5.2. Умумий суѓурта мукофоти миқдори суѓурта пулини 0,4 % суѓурта тарифига кўпайтириш орқали ҳисобланади. суѓурта мукофоти миқдори E-Polis да кўрсатилади. Суѓурта мукофоти Суѓурта қилдирувчи томонидан бир вақтда тўлиқ тўланади.

5.3. Курилиш обьекти суѓурта қилдирувчига ва суѓурталаш унинг фойдасига тузилган шахсга боғлик бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда суѓурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган суѓурта тўловининг бир қисми суѓурталовчи томонидан қайтарилиши мумкин.

5.4. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида курилишнинг белгиланган муддати суѓурта шартномасида кўрсатилган суѓурта муддати тугашидан илгари тугаса суѓурта тўлови қайтарилмайди.

6. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шартлари

6.1. Суѓурта қилдирувчи E-Polis расмийлаштириш тўғрисидаги электрон аризага маълумотларни киритиши билан E-Polisни амалга ошириш учун ўзининг шахсига доир маълумотларни қайта ишлашга (йигиш, ёзиш, тизимлаш, сақлаш, фойдаланиш ва бекор қилиш) розилик берган деб ҳисобланади.

6.2. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш Суѓурталовчи томонидан суѓурта шартномаси бўйича мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 2019 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

7. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу офертанинг талабларини бузганликда айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

7.2. Ушбу офертада назарда тутилган ёки у билан боғлик масалалар бўйича тарафлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда, тарафлар келишмовчиликни судгача ҳал этиш чораларини кўриши лозим.

7.3. Низони судгача ҳал этиш имкони бўлмаса, улар суѓурталовчи жойлашган ердаги тегишли судда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларига асосан ҳал этилади.

7.4. Сугурта шартномасини ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби, сугурта бўйича эътиrozларни кўриб чиқиш тартиби, сугурта шартномаси бўйича кўрилган зарар микдорини аниқлаш ва сугурта товонини тўлаш тартиби билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу офертанинг узвий қисми ҳисобланадиган Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда курилиш таваккалчиликларини мажбурий сугурта қилиш Низомига мувофиқ белгиланади ва амалга оширилади.